O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 декабр пайшанба

Сотувда эркин нархда № 246 (2543)

8 декабр — Конституция куни




## «Шарқ гули» маҳсулотлари





*Пойтахтимиздаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятда бўлган киши, тўғриси, бошқа бир оламга кириб қолгандай бўлади. Бу ерда ишлаётган қўлигул аёлларнинг меҳнати маҳсули бўлган кашталар, сўзаналар, совғабоп буюмлар ва халқ ҳунармандчилигининг бошқа хил намуналари кишини ҳайратга солиши табиий. Беихтиёр чеварларнинг санъатига тасанно айтасиз. Ипларнинг ранг-баранглиги, уларнинг турли хил жилоси, инсон руҳиятига озуқа берувчи ранглар ҳар бир маҳсулотда мужассам. Катталар ва кичкинтойларнинг зардўзлик усулида тикилган тўнлари корхона маҳсулотлари турини яна бир нечтага кўпайтирди.*

*Инсон — гўзаллик шайдоси. У туғилганидан гўзалликка интилиб яшайди. Айниқса, ўзбек халқи бежирим, рангларга бой буюмларни яхши кўради. «Шарқ гули» корхонаси маҳсулотлари дўконлар пештахталарида қолиб кетмаётганлигининг сабаби ҳам шу.*

**СУРАТЛАРДА: ёш чевар Дилафруз Ўринбоева жамоа ҳурматига сазовор бўлган; устоз тикувчилардан Марҳамат Пўлатова ва Гулнора Каримова корхонанинг фахри ҳисобланади.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ**
олган суратлар.

## Ҳаёт дастури

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мактаблар ва академик лицейлар талабалари иштирокида 8 декабр — Ўзбекистон Конституцияси ва 10 декабр — Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон куни муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқлари кафолатлари ва болалар орзуси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Уни Миллий марказ раҳбари А.Саидов бошқарди.

Давра суҳбати қатнашчилари инсон ҳуқуқларини таъминловчи Асосий Қомусимиз дунёдаги энг нуфузли давлатлар конституциялари билан тенгма-тенг кенг ҳуқуқий имкониятларга эга эканлиги, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида муваффақиятли қўлланилаётгани, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлаётганини таъкидладилар. Бу ҳужжат бугунги кунимиз фаровонлиги ва келажагимиз порлоқлигини таъминлашда асосий дастур, қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

**(ЎзА)**

* * *

Шу кунларда мамлакатимиз аҳли улкан тарихий воқеалар даврида яшамоқда. Улардан энг муҳими бош қомусимиз — Конституция қабул қилинганлигининг 8 йиллигидир. Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг қабул қилиниши мустақил давлатчилигимизнинг, сўзсиз, энг улкан тарихий воқеаси. Кенг жамоатчилигимиз ушбу қутлуғ байрамни муносиб кутиб олмоқда.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари жойларда «Конституция, маънавият ва миллий ғоя» мавзуида давра суҳбатлари, ошкора мулоқотлар, маънавий-маърифий анжуманлар ўтказмоқда. Хусусан, куни кеча Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирокида худди шундай маънавий-маърифий анжуман ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққан республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби А. Болиев, Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б. Мирбобоев ва бошқалар Конституциянинг қабул қилиниш тарихи, Конституция ва фуқаролик жамияти, Конституция ва миллий ғоя масалаларида талаба ёшларга қизиқарли маълумотлар бердилар.

«Конституция ва миллий маънавиятимиз» мавзуида яна бир анжуман Тошкент вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ўтказган ушбу тадбирда ҳам Конституциямизнинг тарихий аҳамияти, Конституция ва миллий маънавият масалалари ҳақида сўз борди. Ҳар икки анжуман мулоқот, савол-жавоб тарзида ўтказилди.

**Музаффар НОРМАТОВ.**

## «Фидокорлар» кенгашди

Кеча Фидокорлар Миллий демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раиси Ахтам Турсунов олиб борди.

Унда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар, партиянинг Олий Мажлисдаги фракциясининг 2000 йилдаги ҳисоботи муҳокама қилинди, партиядан сайланган депутатларни фракция аъзолигига қабул қилиш ҳамда фракция фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Фракция йиғилишида молия вазири Мамаризо Нурмуродов ҳамда Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов сессия кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилдилар, тўпланганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

**Эркин МАВЛОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Оддий савол

## XX асрни ким қандай якунлаяпти?

***Бахт аталмиш тушунчани ҳар биримиз ўз билгимизча идрок этамиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Айтмоқчи бўлганим, не бахтки, сиз билан биз қўш асрда яшаган инсонлар қаторига киришимизга саноқли кунлар қолди. Хўш, поёнига етаётган минг йилликни ким қандай якунлаяпти? Ана шу савол билан бир гуруҳ юртдошларимизни «безовта» қилдик. Мана, уларнинг кутилмаган қўнғироққа берган жавоблари.***



**Гулмирза ЖУМАНИЁЗОВ, ҳарбий хизматчи:**

— Ҳм-м, буни икки оғизда айтиб бериш қийин-да, дўстим. Агар энг зўри десангиз, биз ҳарбийлар учун оталаримиз, акаларимизнинг асрий армонлари бўлган ўз Ватанида хизмат қилиш насиб этди. Энди олис юртларда қор кечмайдиган бўлдик. Билагимиздаги кучни, кўкрагимиздаги ўтни фақат ва фақат Ўзбекистон осойишталиги, дахлсизлиги учун сарфлайдиган бўлдик.



**Дилором НАРЗУЛЛАЕВА, «Тадбиркор оила» уюшмаси раиси:**

— Эзгу ниятларимга етдим. Масалан, узоқ вақтлардан бери хорижликларнинг оилавий бизнес соҳасидаги ютуқларига ҳавас қилардим. Қани эди, бизда ҳам шунга йўл очилса, — деб орзу қилардик. Истиқлол шарофати билан оилавий ишбилармонлардан иборат «Тадбиркор оила» уюшмасини туздим. Энди уни вилоят миқёсидан республика даражасига кўтариш илинжидаман. Янги асрда бу ниятимга ҳам етсам, ажабмас.



**Акобир ҚУРБОНОВ, полвон:**

— Албатта, жаҳон чемпиони бўлиб якунлаяпман. Бўлганда ҳам ўзимизнинг ўзбек кураши бўйича: биринчи жаҳон чемпионатининг биринчи чемпиони. Тугаётган асрда ҳам, умуман, ҳаётимда ҳам бу мен учун энг қадрлисидир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Озод БЕК**
**ёзиб олди.**

Мамлакатимизга АҚШ давлат котибининг Янги Мустақил Давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Америкалик меҳмонлар Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди.

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Учрашувда томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди. Шунингдек, музокарада минтақавий хавфсизлик, жумладан, қўшни Афғонистонда йигирма йилдан буён давом этиб келаётган зиддиятни тинч йўл билан ҳал қилиш, диний экстремизм ва наркобизнес каби иллатлар пайини қирқиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Бундай муаммоларни ҳал қилиш борасида икки мамлакат ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

**(ЎзА)**

## Комиссия йиғилиши

Вазирлар Маҳкамасида республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссиясининг мамлакатда қорин тифи бўйича эпидемик барқарорликни таъминлаш ва бу касалликнинг четдан кириб келиши олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари — ҳудудий комиссиялар раислари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Таъкидланганидек, кейинги йиллар давомида мамлакатимизда юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ва санитария-гигиена тадбирлари самарали олиб борилиши натижасида жойларда эпидемиологик вазият барқарор сақланиб турибди. Бироқ бу, тиббий нуқтаи назардан олиб қараганда, хотиржам бўлишга асос бўла олмайди. Чунки қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудида қорин тифи касаллиги бўйича мураккаб вазият вужудга келган. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида мазкур мамлакатда 2 минг 986 нафар беморнинг ана шундай оғир дардга чалингани қайд этилган бўлса, кейинги икки ойнинг ўзида бу кўрсаткич 4 минг 500 тага етган.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда сўнгги беш йил давомида қорин тифи касаллиги кескин камайган. Масалан, 1995 йил жойларда ана шу дардга чалинган 456 нафар бемор қайд этилган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 137 нафарни ташкил этади. Қўшни давлатлардаги эпидемиологик вазият барқарор бўлганида, бу кўрсаткич республикамизда бундан ҳам кам бўлиши мумкин эди.

Мутахассисларнинг фикрича, айни вақтда мамлакатимизга қорин тифи ва бошқа ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари қўшни давлатлар ҳудудидан кириб келмоқда. Хусусан, республикамизга оқиб келаётган сув заҳираларининг каттагина қисми юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият нохуш бўлган қўшни давлатлар ҳудудидан ўтмоқда. Бундан ташқари, четдан юқумли касалликларнинг кириб келишига аҳоли ўртасида миграциянинг ўсиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда грипп, ўткир респиратор ҳамда СПИД касалликларининг олдини олиш тадбирлари ҳақида ҳам гап борди. Минтақамизда бу касалликларнинг тарқалишига ҳам кўпинча худди юқоридаги каби омиллар сабаб бўлаётгани таъкидланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, айни чоғда грипп касаллиги пандемияси бир пайтнинг ўзида бир неча мамлакатда кузатилиши, ҳар бир давлатда бу дард билан қарийб 80 фоиз аҳоли зарарланиши ва 40 фоиздан ортиғи касалланиши мумкин.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳудудида мазкур касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларга топшириқлар, аниқ кўрсатмалар берилди.

**(ЎзА)**

# Мамлакатимизда

## Немисларни лол қолдирган «Чимилдиқ»

Тошкент шаҳридаги ихтисослашган 60-мактаб-гимназияда немис тилида саҳналаштирилган «Чимилдиқ» спектакли намойиш этилди. Марғилон шаҳар 6-ўрта мактаб ўқувчилари ижро этган ушбу спектаклни кўриш учун Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Мартин Хаккер бошчилигидаги элчихона делегацияси ҳам ташриф буюрди.

Бир неча йилдирки, Эркин Хушвақтовнинг пьесаси асосида саҳналаштирилган «Чимилдиқ» спектакли мухлислар орасида шуҳрат топиб келаётир. Бунга сабаб, жорий йилнинг бошида Тошкентдаги Гёте институти томонидан олийгоҳ ва мактаблар ўртасида танлов эълон қилинганлиги бўлди. Танловнинг шартига кўра, тақдим этилган саҳна асарида халқ миллий маданияти ва анъаналари ифода этилган бўлиши лозим эди. Марғилон шаҳар немис тилига ихтисослашган 6-ўрта мактаб ўқитувчиси Михаэл Вальзер «Чимилдиқ»ни танлади.

«Чимилдиқ»нинг немис тилидаги нусхаси ғолиб деб топилиб, ўқувчилар жамоаси Германияга ижодий сафар қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Октябр ойида Берлинда марғилонлик 8-10-синф ўқувчилари маҳорат билан ижро этган спектакл олти марта қайта-қайта намойиш этилиб, немисларда катта таассурот ва ҳайрат уйғотди.

Бир ой муқаддам Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Мартин Хаккер жаноблари ўз оила аъзолари ва бир қатор дўстлари билан «Чимилдиқ»ни кўриш учун Марғилонда бўлишган эди. М.Хаккер ўзбекнинг бетакрор анъанасига театр саҳнасида гувоҳ бўлгач, бу асарни Тошкентдаги дўстлари даврасида такрор кўриш иштиёқида ғолиб жамоани пойтахтимизга таклиф қилди.

60-мактаб-гимназияда намойиш этилган спектакл немис халқи вакилларини бой тарихий анъаналаримизга ошно қилгани шубҳасиз.

### Ўзбек кураши қитъаларни бирлаштираяпти

*Эртага Тошкентда Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлади. Унда муҳокама этилиши мўлжалланаётган масалалардан бири, шубҳасиз, ўзбек курашини XXI асрда янада ривожлантириш дастуридир. Шунингдек, анжуманда III жаҳон чемпионатини ўтказишга даъвогарлик қилаётган давлатлар (Венгрия, Арманистон, Литва)нинг нуфузли мусобақа мезбони бўлишга қай даражада тайёрлиги кўриб чиқилади.*

*Ўзбек курашининг ривожланишига жуғрофий нуқтаи назардан ёндашсак, унинг қитъаларни бирлаштираётганини сезиш қийин эмас.*

### Ўн бир йил тўлди

*Қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилганига ўн бир йил тўлди. Шу муносабат билан Нукусдаги Нажим Довқараев номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий-амалий анжуман ўтказилди.*

*Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси А.Давлатов ва бошқа олимлар ҳозирги қорақалпоқ тилини янада такомиллаштириш, лотин имлосига асосланган ёзувни кенг жорий этиш юзасидан маъруза қилдилар.*

**«Халқ сўзи» ва «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Чоршанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар



## «Истиқлол илҳомлари»

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида таниқли рассом, Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Ортиқали Қозоқовнинг ана шу мавзудаги шахсий кўргазмаси очилди. Унда мўйқалам устасининг турли жанр ва мавзуда яратилган ўнлаб асарлари намойиш этилмоқда.



У ўнлаб халқаро ва республика кўргазмалари қатнашчиси. Асарлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги музей ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон Бадиий академиясининг биринчи "Олтин медали" билан тақдирланган. Унга "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" фахрий унвони берилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси А.Зиё, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев сўзга чиқиб, иқтидорли рассомнинг истиқлолдан илҳомланиб яратаётган асарлари мамлакатимиз тасвирий санъати ривожига, ёшларни эстетик тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидладилар.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Пойтахтда

# Курраи заминда

### Европа Иттифоқи кенгаяди

***Янги аъзолар ҳисобига кенгайиш Европа Иттифоқининг устувор сиёсий мақсадидир. ЕИнинг ташқи ишлар вазирлари даражасида ўтказилаётган кенгаши раиси, Франция ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Юбер Ведрин шундай деди. Унинг айтишича, кенгаш Европа комиссияси томонидан тайёрланган кенгайиш ҳақидаги стратегик ҳужжатни маъқуллаган. ЕИнинг кенгайиши масаласи Европа Иттифоқининг бугун Ницца шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитида кўриб чиқилади.***

### Текширув ниҳоясига етди

***Яманда АҚШнинг "Коул" ҳарбий кемасига қарши содир этилган террорчилик ҳаракати билан боғлиқ текширув ниҳоясига етди. Илгари Афғонистондаги жангларда иштирок этган ва кейинги пайтларда Яман жанубидаги Лаҳеж шаҳрида истиқомат қилган олти нафар араб мужоҳид мазкур жиноятни амалга оширганликда айбланиб, суд қилинадиган бўлди. Текширувлардан маълум бўлдики, улардан икки нафари қўпорувчиликнинг бевосита ташкилотчилари бўлган.***

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

## «ГОЛЛАНД КАСАЛЛИГИ»ГА ЧАЛИНИШ МУМКИН

Охирги бир йил ичида жаҳон бозорида нефт ва газ нархининг ошиб кетгани боис собиқ иттифоқ давлатлари орасидаги ёнилғи хомашёси экспорт қилувчиларга анчагина қўшимча фойда келди. Улар орасида Россияни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. У ҳозир газ экспорти бўйича дунёда биринчи, нефт экспорти бўйича иккинчи ўринда туради.

Ёнилғини юқори нархда сотиш орқали орттирилган қўшимча миллиардлаб долларлар Россияга ҳозирча хуш ёқяпти. Рубл барқарорлашди, иқтисодий аҳвол яхшилангандек бўлди, иш ҳақи ва нафақа ортди. Марказий банкда эса олтин ва валюта заҳираси икки ҳисса кўпайди.

Лекин булар масаланинг фақат бир томони, холос. 70-йиллардан кейин иқтисодчилар орасида "голланд касаллиги" деган атама тарқалди. Унинг тарихи 1959 йилдан бошланади. Ўша йили Голландия шимолида жуда катта газ заҳираси топилди. Олдинлари ёнилғини импорт қилиб келган давлат ўзининг эҳтиёжини қоплаб, қўшни мамлакатларга ҳам газ экспорт қила бошлади. Худди ҳозир Россияда бўлаётганидек, Голландия ҳам қисқа вақт ичида катта валюта заҳирасига эга бўлди. Аммо Гулден қадрининг ошиши ва инфляциянинг камайиши натижасида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархи чет элдагига нисбатан анча юқорилади ва Голландияда кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқариш зарарли бўлиб қолди. Бунинг мантиқий давоми сифатида иқтисодий инқироз давомида ишсизлик тўрт баробар кўпайди, ишлаб чиқариш тахминан 20 фоиз камайди.

Кейинчалик "голланд касаллиги" Индонезия, Нигерия, Мексика каби мамлакатларни ҳам анча ташвишга қўйди.

Россияда эса, беозор қилиб айтганда, "енгил топилган" нефт долларларининг кўпайиши янада ачинарли оқибатга олиб келиши, ўтган йиллар давомида эришилган иқтисодий ютуқларни йўққа чиқариши мумкин. Бунинг аломатлари ҳозирданоқ намоён бўляпти. Маълумотларга кўра, шу йилнинг июлидан ойлик ялпи саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши тўхтаб қолган. Куни кеча Россия бош вазири Михаил Касянов олтинчи бор ўтказилган "Ғарб-Шарқ" халқаро конференциясида нутқ сўзлаб, рублнинг АҚШ долларига нисбати анча вақтдан буён 1/27,51 атрофида сақланаётганини, 1998 йили 84 фоизни ташкил этган инфляция эса бу йил 21,5 фоиздан ошмаслигини айтди. Агар ҳаммаси шундай давом этадиган бўлса, ётқизилаётган сармоя миқдори камайиб, ишсизлик ортиши мумкин.

Яна бир хавотирли томони шундаки, "голланд касаллиги" Ҳамдўстликдаги бошқа ёнилғи экспорт қилувчи давлатлар, хусусан, Қозоғистон ва Озарбойжонга ҳам "юқиб қолиши" мумкин. Бу мамлакатларда ҳам валюта тушумининг асосини ёнилғи экспортидан олинган даромад ташкил этади.

**Элмурод ЮНУСОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна бўлиш имконияти жуда оз қолганлигини эслатамиз.**

## Олий Мажлис IV сессияси олдидан

# Барқарорлик кафолати

— Халқаро терроризмнинг кенг авж олаётганлиги, айниқса, айрим давлатлар ҳудудида махсус лагерлар ташкил қилиниб, террорчи ташкилотларнинг аъзолари алоҳида тайёргарликдан ўтказилаётганлиги тинчликсевар халқлар хавфсизлигига, давлатларнинг мустақил тараққиётига очиқдан-очиқ таҳдид сола бошлади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Илгизар СОБИРОВ. — Мустақил тараққиёт йўлига кирган бизнинг мамлакатимиз ҳам бу таҳдидни яққол ҳис қилиб турибди. Кейинги йилларда террорчи гуруҳлар томонидан содир қилинган тажовузкорона ҳаракатлар мамлакатимиз ва минтақамизда тинчликни ҳимоя қилиш учун кескин чоралар кўриш лозимлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон бу йўлда амалий қадамлар қўймоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан халқаро терроризмга қарши кураш марказини тузиш таклифининг илгари сурилгани ҳам бежиз эмас. Шу йил ёзда МДҲ давлатлари раҳбарларининг Москва учрашувида бу масалада муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Шу жараёнда мамлакатимизда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Янги қонун бир қатор давлат идораларининг терророрчиликка қарши курашдаги фаолиятини белгилаш ва ҳозирги давр талаби даражасига кўтариш, уларнинг имкониятларини янада кенгайтириш, террорчилик ҳаракати илдиз отишининг олдини олиш, террорчиликни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадларига хизмат қилади.

**— Айтинг-чи, лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида нималарга алоҳида эътибор қаратилди?**

— Аввало, бугунги кундаги террористик ҳаракатлар беш йил илгарилари содир қилинган шундай ҳаракатлардан кескин фарқ қилади. Ҳозирги террорчи кучлар замонавий қуроллар, энг янги техника воситалари билан таъминланган, машқ кўрган, анча жипсдир. Иккинчидан, бу кучлар муайян ҳомийларга эга, моддий жиҳатдан таъминлаб турилибди. У диний экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланувчи яширин синдикатлар билан чатишиб кетган. Учинчидан, бугунги террорчилик ҳаракати бир давлат, миллат, минтақа чегарасидан чиқиб, барча халқлар ва давлатлар бошига оғир кулфатлар келтираётир. Ва, ниҳоят, давр халқаро террористик ҳаракатни амалга ошираётган ташкилотларга қарши курашиш учун барча тинчликсевар давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш, бу ҳамкорликни ягона марказ орқали мувофиқлаштиришни тақозо қилмоқда.

*Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.*

*Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.*

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 57-модда.**

**— Янги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни қандай кечди?**

— Маълумки, илгари ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида терроризм учун жавобгарликни кўзда тутувчи маълум норма мавжуд эди. Лекин, ҳозиргина айтганимдек, давр алоҳида қонун қабул қилиш заруриятини кун тартибига қўйди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида халқаро жиноятчиликнинг бундай турига қарши курашнинг айрим давлатлардаги қонунчилик асослари ўрганилди. Терроризмга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари — БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси, халқаро конвенциялар, шартномалар ва битимлар, МДҲ давлатлари хавфсизлик органлари раҳбарлари кенгашининг терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний тарқатилишига қарши кураш соҳасида қабул қилинган ҳужжатлари таҳлил қилиб чиқилди.

Шу асосда қонун лойиҳасининг мақсадига таъриф берилди, унинг асосий принциплари аниқлаб олинди, уларни муайян нормаларда ифодалашнинг усуллари ва воситалари белгиланди. Президентимиз асарларидаги мулоҳазалар ва хулосалар, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепциясининг асосий қоидалари лойиҳада ўз ифодасини топди. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа муҳокамаси жараёнида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Марказий Осиё билан алоқалар бўйича бюро ва ЕХҲТнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Олий Мажлис депутатларидан, фуқаролардан, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан киритилган таклифлар умумлаштирилиб, лойиҳада ҳисобга олинди.

Фақат терроризмга қарши кураш чораларинигина эмас, балки қонуннинг профилактик йўналишини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Билсангиз, Англия, Италия, Германия ва бошқа бир қатор давлатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибаси шундай. Бу террорчилик йўлига адашиб кириб қолган айрим шахслар учун ҳаётда тўғри йўлни топиб олиш имконини беради.

**— Лойиҳа иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Олий Мажлис сессиясининг кун тартибига киритилган...**

— Қўмитамиз биринчи ўқиш ва муҳокама чоғида билдирилган барча таклифларни инобатга олган ҳолда лойиҳани иккинчи ўқиш учун тақдим этишга тайёрлади. Ҳозирги ҳолида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси олтита боб ва ўттиз икки моддани ўз ичига олади. Аввало, лойиҳада ушбу қонуннинг мақсад ва асосий вазифалари, терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бу курашнинг асосий принциплари, террорчилик фаолиятининг олдини олиш ва терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш масалалари белгилаб қўйилган.

Лойиҳанинг асосий қисми давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари, террорчиликка қарши операцияларнинг ўтказилиши, террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси, терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси масалалари юзасидан вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини аниқлаб беради. Пировардида террорчилик фаолиятида иштирок этганлик ҳамда терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка сабаб бўлувчи асослар белгилаб қўйилган.

Лойиҳани ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида Америка Қўшма Штатлари, Италия, Германия, Франция, Россия Федерацияси, Қозоғистонда қабул қилинган қонунлардаги қоидалар ҳам кўриб чиқилди. Натижада лойиҳамизда террорчилик фаолиятининг олдини олишга қаратилган профилактик, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тарғибот йўналишидаги чораларга алоҳида эътибор берилди.

Мамлакатимизда яна бир қонун ишлаб чиқилмоқда. Унинг лойиҳаси қиёмига етказилиб, Олий Мажлиснинг бўлажак сессиясида кўриб чиқиш учун тайёрланаётир. Янги қонуннинг қабул қилиниши ва кучга киритилиши, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда барқарорликни, минтақада тинчлик ва осойишталикни ҳимоя қилиш ва сақлашга хизмат қилади.

**Суҳбатдош: Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



*— Иш билганга имконият ҳамиша топилаверади, — дейди Намангандаги «Попфен» қўшма корхонаси ип йигурувчиси Зулхумор Йўлдошева.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Долзарб вазифага бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бошланди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва илмий муассасаларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар қатнашмоқда.

Анжуманни Фавқулодда вазиятлар вазири Б.Қосимов очди. Унда фуқаро муҳофазасининг долзарб муаммолари, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг фавқулодда вазиятлар жараёнида аҳолини муҳофаза қилишдаги ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисини турли табиий офатлардан муҳофаза этиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси таъминланаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бугунги кунда табиий офат рўй бериши эҳтимоли бўлган ҳудудларда кузатув постлари ташкил этилган, йирик сув омборларининг ҳолати назорат остига олинган. Зилзила, сел ва сув тошқинлари, ер ва қор кўчкилари каби табиий офатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ишлари изчиллик билан бажарилмоқда.

Анжуман қатнашчилари икки кун давомида аҳолини муҳофаза қилиш ва халқ хўжалиги иншоотларини фавқулодда вазиятлардан ҳимоялаш, табиий, техноген ва экологик тусдаги офатларни бартараф этиш, бу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ва тезкор алоқа воситаларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни муҳокама этадилар.

**(ЎзА).**

# Янги асрга эзгу амаллар билан

Юнусобод туманидаги 273-мактабда тумандаги вояга етмаган ёшлар ва болалар иштирокида «Янги асрга — гиёҳванд моддаларисиз» шиори остида кеча ўтказилди.

Унинг иштирокчилари улғаяётган ёш авлод қанчалик соғлом, билимдон бўлса, она юртнинг истиқболи шунчалик порлоқ бўлиши, аср фожиаси — ОИТС ва гиёҳвандлик каби иллатлардан эҳтиёт бўлиш лозимлиги, бугунги соғлом ва ақл-идрокли ёшларни кенг уфқлар кутаётганлигини таъкидлашди.

Тадбирда туманнинг ўндан ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Ўқувчилар куй ва қўшиқлари, шеър ва рақслари ҳамда саҳна кўринишлари орқали гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, носоғлом тарбиявий муҳит оқибатида оила бузилиши, фарзандлар етим ва қаровсиз қолиши, ногирон болалар дунёга келишини мурғак қалблари билан саҳнада гавдалантириб, янги асрни қандай гўзал ва соғлом тасаввур қилишларини намоён этдилар.

Шунингдек, тиббиёт ходимларининг ОИТС ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақидаги маърузалари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**«Туркистон-пресс».**

# Энди чироқ ўчмасмикан?

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

«Янгийўлдаги юрак ва асаб хасталикларини муолажа қилишга ихтисослашган санаторийда даволанувчилар учун барча шароит ва қулайликлар яратилган, — деб ёзади таҳририятга юборган мактубида кўзи ожизлар жамияти Бухоро вилояти бошқаруви раёсатининг раиси Акбар Ҳайдаров. — Лекин бир салбий ҳолат бўрки, ундан ҳамма ранжимоқда. Гап шундаки, бу масканда вақт-бевақт, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, электр қуввати билан таъминлаш тўхтатиб қўйилади. Агарда кўпгина муолажа турлари электр асбоблари ёрдамида амалга оширилиши ҳамда овқатлар ҳам электр қуввати ёрдамида тайёрланиши ҳисобга олинадиган бўлса, бу ҳолат кишилар кайфиятига қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини илғаб олиш унчалик қийин эмасдир».

Мазкур муаммонинг ечими борми, деб мурожаат қилинди Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига. Арзномада кўтарилган масала вазирлик, «Ўзэнергоназорат» ҳамда Тошкент электр тармоқлари мутахассислари томонидан жойида кўриб чиқилди, деб хабар беради вазир ўринбосари жаноб Т. Аҳмедов.

Мутахассислар санаторий раҳбари иштирокида электр таъминотидаги узилишлар сабабларини ўрганиб чиқишди. Натижада ушбу узилишлар асосан электр узатиш тармоғидаги носозликларни бартараф қилиш ҳамда вилоят бўйича электр энергияси таъминоти лимитида ортиқча сарфлашнинг олдини олиш натижасида қисқа муддатларда амалга оширилганлиги маълум бўлди. Туман электр тармоғи раҳбариятининг санаторий раҳбариятига бу ишлар хусусида вақтида маълум қилмаганлиги ўз исботини топди. Бундан ташқари сиҳатгоҳнинг ташқи электр тармоғи фақат битта электр манбаидан таъминланиши ҳамда иккинчи манба — заҳира электр таъминоти учун қурилаётган дизел электростанцияси шу кунга қадар ниҳоясига етказилмаганлиги аниқланди.

Юқоридаги нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент электр тармоғига ишлаб турган юқори кучланишли электр тизимининг қувватини кучайтириш юзасидан ўзаро тасдиқланган жадвал асосида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва санаторийга заҳира дизел электр станциясини ишга туширишда ташкилий ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди.

# Маҳалла университети

Хўжаобод тумани марказидаги «Гулистон» маҳалласида 320 хонадон, 530 оила ва 2170 аҳоли истиқомат қилади. Яқинда маҳалла университети иш бошлади. 24-мактабнинг кўркам биносида жойлашган.

Ҳафтанинг якшанба кунлари бўлиб ўтадиган машғулотларга ёшу қари иштирок этади. Маҳалла аҳли қишлоқ фаоллари, эл-юрт таниган кишилар, олимларнинг маърузаларини тинглайдилар, мамлакатимиз ҳаётига оид янгиликлардан бохабар бўладилар, шу куннинг долзарб масалалари хусусида фикрлашиб оладилар.

Яқинда бўлиб ўтган машғулотда ҳам туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ўктамжон Охунов, 24-мактаб тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари муаллими Козимжон Иброҳимов ва бошқа воизларнинг суҳбатлари катта қизиқиш билан тингланди.

Маҳалладошларнинг университет машғулотларида ёппасига иштироки «Гулистон»да ишсизликка барҳам бериш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, хотин-қизлар муаммоларини бартараф этиш, юрт фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шарти — маҳаллада маънавият ва маърифатни юксалтиришда катта аҳамият касб этади, албатта.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Банк ассоциациялари халқаро семинари

Ўзбекистон банклари уюшмасида МДҲ мамлакатларининг банк ассоциациялари раҳбарлари иштирокидаги халқаро семинар ўз ишини бошлади. ТАСИС FBTRA-II лойиҳаси кўмагида ташкил этилган ушбу нуфузли банк анжуманидан кўзланган мақсад ҳар бир уюшманинг тўплаган иш тажрибаси билан танишиш, ўзаро ахборот айирбошлаш самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари банк уюшмалари ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятларини муҳокама қилишдан иборат.

Маълумки, банк уюшмалари макроиқтисодий миқёсда банклар манфаатини ҳимоялаш ва мамлакат молия тизимини халқаро майдонда танитиш мақсадида ташкил этилади. МДҲ ҳудудида бундай тузилмалар яна бир муҳим вазифани бажариши, яъни эркин савдо ҳудудини барпо этишни мўлжаллаган давлатлар банк тизимлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиши ҳамда биргаликда ноқонуний йўл билан олинган даромадларга қарши курашиши мумкин. Ҳамкорликда ишлашнинг аниқ йўналишлари икки кун давом этадиган семинарда муҳокама қилинади.

**О. ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎзА мухбири.**

## Депутат суратига чизгилар

***Навоий вилоятининг олтин ишлаб чиқарувчилари, кимёгарлари, чорвадорлари маҳсулотлари фақат мамлакатимиздагина эмас, балки ундан узоқ-узоқларда ҳам маълум ва машҳурдир. Бу соҳаларнинг заҳматкашлари тўғрисида газеталарда кўп ёзишади, радиода ҳикоя қилишади, телевидение орқали тез-тез кўрсатишади. Бироқ бу улкан, табиий-иқлим шароити ҳам ҳавас қиларли даражада бўлмаган ҳудудда яшаб меҳнат қилаётган пахтакорлар, ғаллакорлар, мева ҳамда сабзавот етиштирувчиларга эса оммавий ахборот воситалари кам эътибор қилаяпти. Шу боисдан газетамиз таҳририяти мазкур вилоятнинг Хатирчи туманидаги Акмал Икромов номли агрофирма ишлари, ушбу хўжалик раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Эркин Холмуродович ҚАҲҲОРОВ ҳақида газетхонларга ҳикоя қилишни мақсадга мувофиқ, деб билди.***

# Раис



Раис Эркин Қаҳҳоров баланд бўйли, зуваласи пишиқ, ҳалол ва қатъиятли инсон. Вилоят ва туман ҳокимлигида уни ўз сўзи ва фикрида собит, кўпни кўрган, тажрибали бир раҳбар сифатида бизга таърифлашди. Шу билан бирга, худди ўша масъул идораларда ва кейин бевосита агрофирманинг далаларида бўлиб, оддий меҳнатчилар, бригадирлар билан суҳбатлашганимизда, нафақат унинг раҳбарларга хос шижоати, талабчанлиги, балки куюнчаклик, ғамхўрлик каби оддий инсоний фазилатлари тўғрисида ҳам анча-мунча ҳикояларни эшитдик.

Эркин Қаҳҳоров — оз эмас, кўп эмас, турли ёшдаги, мутахассислиги ва феъл-атвори ҳар хил 5 ярим минг киши яшаб меҳнат қилаётган йирик жамоага раҳбарлик қилади. Пировардида уларнинг ҳар бирига алоҳида тил топиб муомала қилишинг керак. Лекин хато қилдингми — керакли жазойингни оласан! Бу — шак-шубҳасиз. Масалан, тракторчи ерни белгиланган 45 сантиметрда шудгор қилмади, дейлик. Бундай ҳолда, тракторчининг ҳеч бир баҳонаси, важ-корсони қабул қилинмайди.

— Қайта шудгор қиласан, кўнгилдагидай бўлсин! — дейди раис. — Бунинг устига, белгиланган муддатга улгурасан. Эртага ўзим келиб текшираман...

Эри вафот этиб, беш нафар болалари билан бева қолган Малика Тошпўлатова, серфарзанд оила бошлиғи, оддий сувчи Эргаш Оқбўтаев, газ-электр пайвандчи Ҳамро Бозоров, агрофирма ҳудудидаги «Тасмачи», «Олтинобод», «Новандак», «Султонобод» қишлоқларининг бошқа фуқаролари раиснинг ёрқин одамгарчилик фазилатлари тўғрисида кўпгина яхши фикрларни айтдилар.

Бу хўжалик заминида унинг етти пушти яшаб ўтган. Отаси Холмурод ака — 90 ёшни қоралаган қария, хотираларга бой одам. У иккинчи жаҳон урушида Берлингача борди. Ярадор бўлиб қайтса-да, хўжаликда меҳнат қилди. Турмуш бекаси Кумуш момо билан икки ўғил, уч қизни оқ ювиб, оқ тараб катта қилишди.

Эркин «Тасмачи» қишлоғидаги 17-ўрта мактабни тамомлаб, колхозчи бўлиб ишлади. 14 йил бурун Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономлик факультетини қизил диплом билан битириб, қадрдон хўжалигига келди. Аввал бригадир, кейин Акмал Икромов номли давлат хўжалигида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. «Райком котиби»дан «юқорининг топшириқларини бажаришдан бўйин товлаганлиги учун» таъна-маломатларни ҳам кўп эшитди.

— Худога шукр, у даврлар ортимизда қолди, — дейди раис. — Ҳозир бошқа давр, бошқача шароит, уқув, ақлу заковат билан, тадбиркорлик билан ишлайдиган пайт келди.

Ҳатто хорижий давлатларга чиқиб, тажриба, малака орттириб қайтиш мумкин. Масалан, шу йилнинг май ойида «Ўзагросаноат» делегацияси таркибида у АҚШга борди, Аризона штатидаги фермерларнинг меҳнат ва турмуш тарзи билан танишди.

— Иқлими, табиий шароити баайни биздагидай, лекин сув муаммоси йўқ, — дейди Эркин Қаҳҳоров. — Пахтани атиги икки марта теришаркан, лекин ҳосилдорлик гектар бошига 45 центнерданга тўғри келаркан...

90-йилларнинг биринчи ярмида Эркин Холмуродович ўз хўжалигида бош агроном бўлиб ишлади. 1997 йилда хўжалик Акмал Икромов номли агрофирмага айлангач, шу жамоа раислигига сайланди. Агрофирма ҳар йили давлат топшириқларини тўла-тўкис бажариб келаяпти. Бу йил 320 гектар лалмикор ердан 27 центнердан пахта етиштирилиб, 50 миллион сўм даромад қилинди. Агар об-ҳаво ноқулай келмаганида ҳосилдорлик янада ошиши мумкин эди.

800 гектарлик токзорлардан эса жорий йилда ниҳоятда мўл-кўл ҳосил олинди. Ҳар гектар токзордан 80-100 центнердан узум узилди. Даромад — 100 миллион сўмга етди. Агрофирмада етиштириладиган «Учқора» кишмиши хорижий мамлакатларнинг ҳам эътиборини тортди. Хориж фирмаларининг биттаси билан шартнома тузилиб, кишмиш майизини қадоқлаш ва экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Хўжаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Бу ерда пахта йиғим-терими туманда биринчи бўлиб муваффақиятли якунланди, далалар ўз вақтида чуқур ва сифатли шудгор қилинди. Шўр ерлар ювилди. Октябр ойининг охиригача кузги буғдой экиб бўлинди.

Акмал Икромов номли агрофирманинг йиллик даромадига бошқа хўжаликлар ҳавас қилса арзийди. Шу боисдан бу ерда кейинги тўрт йил мобайнида катта ободончилик ишлари амалга оширилди. «Тасмачи» қишлоғида насос станцияси қурилиб, немисларнинг қурилмалари ёрдамида 84 метр чуқурликдан зилолдай тоза ичимлик суви тортиб олинмоқда, хонадонлар тўла газлаштирилган. Келгуси йили «Олтинобод» қишлоғида 3,7 километр узунликдаги газ қувури ишга туширилади. Бу қишлоқнинг йўллари деярли тўла асфальтланган, қишлоқда 350 ўринли янги ўрта мактаб ва қишлоқ врачлик пункти қурилди. 3 та мактаб таъмирдан чиқарилди, болалар дарсликлар билан тўла таъминланган, энг яхши ўқувчи учун эса хўжалик бир йилда 10 минг сўмдан стипендия таъсис этилган.

— Болаларга ғамхўрлик, уларнинг тарбиясига эътибор — энг муҳим ишларимиздан бири, — дейди раис. — Мана, Зуҳра билан 5 нафар фарзанднинг ота-онасимиз. Катта қизимиз Азиза 9-синфда ўқияпти, кенжатойимиз Жалолиддин иккинчи синфга бораяпти. Агрофирмада барча болалар тарбиясига, оиладан тортиб мактабгача — ҳамма босқичда катта эътибор бераяпмиз.

Хотира ва Қадрлаш кунида эса «Тасмачи»да Мотамсаро она мемориали очилди. Унинг мармар деворларига қатоғон йилларида ва иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳамқишлоқларимиздан 120 нафарининг номи ўйиб ёзилган.

— Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Бу ажойиб фикрни Президентимиз Ислом Каримов айтган, — дейди раис. — Ва биз ўтмиш ҳамда келажакни боғловчи кишилармиз. Буни ҳар биримиз чуқур ҳис этишимиз керак. Яқинда мен Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўртинчи сессиясини ўтказишга тайёргарлик кўриш ишлари билан шуғулланаётган депутатларнинг ишчи гуруҳи биринчи йиғилишида қатнашдим. Бу сессияда кўриладиган масалалар, қабул қилинадиган қонунлар долзарб аҳамиятли бўлиб, мамлакатимиз буюк келажагини бунёд этишда ҳар бирининг алоҳида ўрни бор. Шу боисдан биз, депутатлар Олий Мажлиснинг ушбу сессиясига катта масъулият билан ҳозирлик кўраяпмиз...

Биз ажойиб инсон, раис, Олий Мажлис депутати тўғрисида қисқача ҳикоя қилдик. Шу айрим чизгиларда ҳам, назаримизда, бир замондошимиз ўзининг айрича хусусиятлари билан «манаман» деб кўриниб турибди. Янада аниқроқ қилиб айтайлик: фидойи замондошимизнинг! Шундай эмасми?!

**Валерий ПЕТРОВСКИЙ, Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, газетамизнинг махсус мухбирлари.**



*Меҳнатобод туманидаги «Пахтакор» ижара ширкатлар бирлашмаси аъзолари шудгорлаш ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Ҳозиргача мавжуд 4900 гектар майдоннинг қарийб 3000 гектари сифатли ҳайдовдан чиқарилди. Бирлашма механизаторлари 4 та «Магнум» ва 3 та «К-700» тракторлари ёрдамида ҳар куни 120-150 гектар майдонни шудгорламоқдалар.*

**Суратларда: «Магнум» оператори Баҳриддин Жумаев; шудгорлаш пайти.**
**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Хонадон боғчаларига – ЮНИСЕФ туҳфаси

Республика Халқ таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ болалар жамғармаси кўмагида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Ховос ва Боёвут туманларидаги хонадонларда болалар боғчалари барпо этилди.

Вилоятга ташриф буюрган ЮНИСЕФ болалар жамғармаси ваколатхонаси раҳбари жаноб Руди Родригес, республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов ва вазирлик мактабгача тарбия бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамида Аҳмедова хонадонлардаги болалар боғчаларига ЮНИСЕФнинг совғаларини, жумладан дарсликлар, ўйинчоқлар, иссиқ кўрпа-тўшаклар, спорт кийимларини, шунингдек Халқ таълими вазирлигининг болалар муассасалари учун махсус ишлаб чиқилган низомини топширдилар.

Бундан ташқари вилоят хонадон боғчалари тарбиячилари учун янги усулда ўқув-тарбия ишларини олиб бориш, ўқув дарсликларидан самарали фойдаланиш бўйича тренинг ўтказилди.

Гўдаклар хонадон боғчаларининг бола сони оз гуруҳларида тарбияланадилар, бу болалар ва тарбиячиларга кўпгина қулайликлар туғдиради. Яқин келгусида Фарғона, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси хонадон боғчалари тарбиячилари учун махсус ўқувни ҳамда кенг тажриба алмашишни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

## «Олтин тўғноғич» совриндори

**Саида ЙЎЛДОШЕВА**

Инсоннинг ички дунёси кийиниш маданиятида акс этиб туради. Юртимиз эса азалдан моҳир чеварларга бой бўлган. Бугунги кунда ҳам хорижлик мутахассислар ўзбек чеварлигига катта қизиқиш билан қарашларининг боиси шунда.

«INKONEL» бизнес мажмуида Ўзбекистон модельерларининг «Устозода» кўрик-танлови бўлиб ўтди. У Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, «CAPTHILL» компанияси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Бегим» хусусий фирмаси ҳомийлигида ташкил этилди. Кўрикда 9 нафар модельер ўз шахсий коллекциясини намойиш этди.

— Юртингизда енгил саноат имкониятлари жуда катта. Бу ҳозиргина намойиш этилган модеьлерлар коллекциясидан ҳам кўриниб турибди, — деди Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Кристофер Ингхэм. — Ғолиб чиққан модельерга элчихонамиз ўз қимматбаҳо совғасини тайёрлади. «Олтин тўғноғич» мукофотига Дина Сайфининг шахсий коллекцияси сазовор бўлди.

Модельерларимиз жаҳоний андозаларга интилишларини фақат қўллаш керак. Лекин улар томонидан яратилган либосларнинг аксарияти миллий маданиятимиздан йироқлиги яққол сезилиб турди. Модельерларимиз коллекциясида миллий чеварликка беписандлик кўнгилларни бироз хира қилди. Нима бўлганда ҳам «Олтин тўғноғич» чеварларимиздаги интилишдан нишонадир.

UZMACOM
GSM

«ЎЗМАКОМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
КОНСТИТУЦИЯ КУНИ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТАДИ.
ЮРТИМИЗГА ТИНЧЛИК, ТЎКИН-СОЧИНЛИК,
БАРЧАНГИЗГА БАХТУ ОМАД,
ИШЛАРИНГИЗДА УЛКАН ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!



Бизнинг манзил: Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шк., 8.
Тел.: (+998 71) 100-00-15, 100-00-16, 173-00-15.
Факс: (+998 71) 120-63-78, 100-98-98.
www.uzmacom.uz

РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
БАНКИ
«ҒАЛЛАБАНК»

Мамлакатимиз
кўп миллатли халқини
8 декабр — бахтимиз Қомуси
қабул қилинган кун муносабати
билан самимий кутлайди.

*Ушбу улуғ айём арафасида барчага оилавий бахт, мустаҳкам соғлик, истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида куч-қувват тилайди.*

**Азиз юртдошлар!**

**Бўш маблағларингизни фарзандларингиз истиқболи учун кўпайтириш имкониятидан фойдаланинг!**

**Республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки «ҒАЛЛАБАНК»**

**Янги аср арафасида «Аср мезони» қисқа муддатли омонат турига фоиз қўшимчасини ойига 6,5 ёки йилига 78 фоизли жадвал бўйича ҳисоблаб, қўшилган даромад суммаси бир ойдан сўнг бир йўла омонат суммаси билан берилиши кафолатланади. Омонатнинг энг оз миқдори 10000 сўм бўлиб, нақд пул орқали жамғармачилардан ҳамда маблағ қўювчидан 2000 йилнинг 1 декабридан 20 декабригача бўлган муддатларда (бир ой муддатда сақлаш учун шартнома билан) қабул қилинади.**

**«Соғлом авлод» йилида Сизларга қуйидаги мақсадли ва муддатли омонат турини таклиф қилишдан мамнунлигини билдиради. Сиз фарзандингиз номига қуйидаги омонат турига жамғарма қўйишингиз мумкин:**

***1 ойдан 7 ёшгача бўлган болалар учун — «7 х 25» омонат тури:***

- 1 ёшгача бўлган фарзандингиз номига 8000 сўм қўйсангиз, банк томонидан яна 25% қўшилиб, 10000 сўмлик омонат дафтарчасини оласиз ва фарзандингиз етти ёшга тўлганда унинг ҳисобида 32000 сўм маблағ тўпланади.
- 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган фарзандингиз номига 16000 сўм қўйсангиз, банк томонидан яна 25% қўшилиб, 20000 сўмлик омонат дафтарчасини оласиз ва фарзандингиз етти ёшга тўлганда унинг ҳисобида 55200 сўм маблағ тўпланади.

Шу тариқа 6 ёшгача бўлган болалар учун омонат қабул қилинади.

**Бундан ташқари яна барча фуқаролар учун мўлжалланган:**

***КАПИТАЛ - III*** ***1- йиллик омонат тури,*** йиллик 42% миқдорида даромад тўланади ва ҳар 3 ойда қўшилган фоиз даромадини,
***КАПИТАЛ - II*** ***2- йиллик омонат тури,*** йиллик 52% миқдорида даромад тўланади ва ҳар 6 ойда қўшилган фоиз даромадини,
***КАПИТАЛ - I*** ***3- йиллик омонат тури,*** йиллик 60% миқдорида даромад тўланади ва ҳар йиллик қўшилган фоиз даромадини бериб бориш кафолатланган муддатли омонат турлари жорий этилганлигини ва унга жамғармалар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз.

**Шу билан бирга**
**3 ойлик — йилига 40 %** миқдорида даромад тўланувчи,
**6 ойлик— йилига 42%** миқдорида даромад тўланувчи ва фоизлари ҳар 3 ойда,
**9 ойлик — йилига 42.6%** миқдорида даромад тўланувчи ва фоизлари ҳар 3 ойда,
**1 йиллик — йилига 40%** миқдорида даромад тўланувчи ва фоизлари ҳар ойда бериладиган муддатли омонат турларига жамғармалар қабул қилинмоқда.

**ЖАМҒАРМАНГИЗ ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗГА НАСИБ ЭТСИН!**

**Банкнинг навбатдаги VI эмиссия акцияларига ҳам обуна қизғин давом этмоқда!**

***Омонатларнинг шартлари ва бошқа қизиқтирган саволлар бўйича қўшимча маълумотлар билан «Ғаллабанк»нинг ҳамма вилоят филиал ва бўлимларида ҳамда уларнинг омонат кассаларида танишиш имкониятига эгасиз.***

**Тошкент шаҳридаги манзил:**
**700060, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 36.**

**Телефонлар:**
**(3712) 133-71-72,**
**136-38-29, 56-22-65.**

